



**Tadqiqot** uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**2020**

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**№16**  
2 июнь

**conferences.uz**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 16-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
9-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
16-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-9**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
16-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2020**

<b>68.Ашуров Жалолиддин Эшпўлатович</b> КРЕДИТ БОЗОРИ ВА УНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	212
<b>69.Гапшаров Фарходжон Муйдинович</b> ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИАЙИНФРАТУЗИЛМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	214
<b>70.Джалалов Азизжон</b> ҚИММАТЛИ ҚОЎОЗЛАР МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	217
<b>71.Кодирова Л.Г, Якубова Гулираъно</b> АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ - ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	222
<b>72.Қосимов Азамат Абдукаримович</b> САНОАТ РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР АСОСИДА ПРОГНОЗЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ.....	225
<b>73.Махматбердиев Улугбек Норқараевич</b> ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БАНКЛАРНИ ИШТИРОКИ.....	227
<b>74.Меликов Отабек Махмадаминович</b> ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ЭЛЕКТРОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ РОЛИ.....	233
<b>75.Сатторов Алишер Хасан ўғли</b> GERMANYANING AUDITORLIK FAOILIYATINI ЎРГАНИШ ТАЖРИБАСИ.....	235
<b>76.Исмайлов Куатбай Сарсенбаевич , Сейтназаров Данияр Бахадирович</b> СЧЁТЛАР ТЎЎРИСИДА ТУШУНЧА ВА УЛАРНИ ТУРКУМЛАШ.....	237
<b>77.Исмайлов Куатбай Сарсенбаевич , Сейтназаров Данияр Бахадирович</b> ВИДЫ ХОЗЯЙСТВЕННОГО УЧЕТА И ИХ ВЗАИМОСВЯЗЬ.....	239
<b>78.Султансуйнов Соҳраб Абатович</b> БАНК СЕКТОРИДА КОРПОРАТИВ МАДАНИЯТ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ МУАММОЛАРИ.....	241
<b>79.Толипов Ботирали Собиржонович</b> БОЖХОНА ПОСТИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	245
<b>80.Умаров Муроджон Нёматиллаевич</b> ВАЛЮТА КУРСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ.....	248
<b>81.Umarov Abdukhamid Sattorovich</b> ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАР ТАНЛОВИ: СТРАТЕГИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УСУЛЛАРИ.....	250
<b>82.Уринова Мадинабону Сарваровна</b> ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТЕХНОЛОГИИ. ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УЧАЩИХСЯ.....	253
<b>83.Эргашев Шохрух Турдиали угли</b> РОЛЬ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ.....	256
<b>84.П.М.Абурахмонов</b> СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	259
<b>85.З.Хожимуродов</b> Саноат корхоналарини ривожлантириш орқали иқтисодий фаолигини ривожлантириш.....	265
<b>86.Нематова Маликахон Шухратовна.</b> ШАҲАР ҲУДУДЛАРИНИ ОБОДОНЛАШТИРИШДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	269
<b>87.Abdulfotih Aysachev Abdulfaizovich</b> QISHLOQ XO'JALIGIDA IQTISODIY SAMARADORLIKNI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIGI MAXSULOTLARI RAQOVATBARDOSHLIGINING BA'ZI MASLALARI.....	271
<b>88.Ашуров Жалолиддин Эшпўлатович</b> КРЕДИТ БОЗОРИ ВА УНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	274
<b>89.Юлбарисов Иззатилла Хикматиллаевич</b> ФАЛЛА ЕТИШТИРИШ, ХАРИД ҚИЛИШ ВА СОТИШГА БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ - ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ВА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР МАНФААТДОРЛИГИНИ ОРТИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.....	276
<b>90.Djurayeva Dilnoza Davronovna</b> IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASHDA INNOVATSION YONDASHUVNING O'RNINI.....	279



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### КОРХОНА АЙЛАНМА КАПИТАЛИНИ БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ РОЛИ

**Мирзоев Х.Х. - Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби магистратура  
тингловчиси**  
**Телефон: +998945404144**  
**prince\_mx@mail.ru**

*Ушбу мақола доирасида корхоналарда айланма капиталларнинг таркиби, рақамлаштириш ва компьютер дастурлари орқали айланма активлардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари, ва унинг корхона жорий фаолиятини ташкил этиш усуллари ёритилади.*

*Калит сўзлар: рентабельность, just-in-time, MRP, Kanban, Optimized Production Technologies, Lean manufacturing*

Ҳозирги бозор иқтисодиёти ва инновацион технологиялар жадал ривожланиб бораётган даврда корхонанинг ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, омбордаги товар-моддий бойликларининг меъёрий даражасини таъминлаш, корхонанинг ишлаб чиқариш таннархини оптималлаштириш, корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш замон талабларидан бири ҳисобланади.

Шуни инобатга олган ҳолда, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этишдек устувор вазифалар белгиланган. [1]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномасида "Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир" деган фикрлар келтириб ўтилган ва 2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб номланиши ҳам Республикамизда рақамли иқтисодиёт ва тизимни рақамлаштиришга катта эътибор берилаётганидан далолат беради. [2]

Ҳозирда жадал ривожланиб бораётган иқтисодиётимиз, Республика Фонд бозорини тубдан ривожлантиришга ҳамда хорижий инвесторларни жалб қилиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилаётган бир даврда компанияларинг айниқса акциядорлик жамиятларининг тадбиркорлик ишлаб чиқариш фаолиятларини узлуксиз, тўхтовсиз ишлашини таъминлаш, рақобатбардошлигини ҳамда инвестицион жозибадорликни ошириш учун айланма капиталларнинг самарали бошқарувини шакллантириш, бунда рақамлашдан, дастурлашни жорий этиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Айланма капитал бир қарашда оддий тушунча сифатида қаралсада, уни бошқариш мураккаб жараён бўлиб ҳисобланади. Айланма капиталларнинг самарали бошқарувини йўлга қўйиш ва амалга ошириш учун эса унинг асоси, иқтисодий



моҳияти ва таркибий тузилиши, элементлари ўзига хос белгилари ва хусусиятларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Айланма капиталлар тўғрисида жахон адабиётларида биро қанча таърифлар келтирилган бўлиб, айланма капитал деганда корхоналарнинг жорий активлари ва жорий мажбуриятлари ўртасидаги фарқ тушунилади.[3]

Шунингдек Роберт Алан Хилл ўзининг "Working capital and strategic debtor management" китобида айланма капиталларга қуйидагича тариф келтирган "Айланма капитал бу - бошқа манбалар орқали корхона айланмасини оширишнинг молияштириш даражасини белгилаб берувчи, жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбатан профицитидир" [4]

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки корхонанинг айланма капиталлари тузилиши қуйидаги иқтисодий элементлар орқали шаклланади:

а) Товар моддий заҳиралари ва ярим тайёр маҳсулотлар - бу категория ишлаб чиқариш, хўжалик фаолиятини амалга оширишга ёхуд кейинчалик сотишга мўлжалланган моддий-ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳажмини таснифлайди.

б) Дебитор қарздорлик - корхона ташкилотдан бошқа корхона ва ташкилотларнинг қарздорлигини ифодалайди. Айланма активларнинг бу қисми товарларни сотиш ёки иш ва хизматлар кўрсатиш натижасида юзага келади. Бундай қарздорлар юридик ҳамда жисмоний шаслар бўлиши мумкин.

с) Пул маблағлари ва уларнинг эквиваленти айланма капиталларнинг энг ликвидли қисмидан бири ҳисобланиб, корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамидаги пуллар кассадаги ва депозит ҳисоб рақамдаги пул маблағлари киради. Бундан ташқари уларнинг эквиваленти сифатида бир йил ва ундан кам муддатли юқори ликвидли молиявий инвестициялар ҳам кириши мумкин.

д) Бошқа айланма активлар булар юқоридаги бандларга кирмайдиган айланма активларнинг турлари бўлиб ҳисобланади, бунга мисол сифатида келгуси давр харажатиларни олишимиз мумкин.

е) Қисқа муддатли мажбуриятлар - бу корхонанинг бир йил муддат ичида қопланадиган корхонанинг пассивлари ҳисобланади. Буларга мол етказиб берувчилар олдидаги қарздорликлар, ишчи хизматчилар олдидаги иш ҳақи кўринишидаги қарздорликлар, кредит қарздорликнинг жорий қисми, Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар, Бюджетга тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга бўлган қарзлар ва бошқа шу кабилар мисол бўла олади.

Айланма капиталларни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш асосан айланма капиталларнинг миқдори ва тузилишига ҳамда уларнинг келиб чиқиш манбаларига таъсир қилиш орқали амалга оширилади.

Айланма капиталларни бошқаришнинг асосий мақсади корхона фойдасини максималлаштириш ҳамда бир вақтнинг ўзида етарли ва барқарор даражада корхонанинг ликвидлиги яъни туловга қобилиятлигини таъминлашдир.

Ҳозирги кунга келиб, айланма капиталларни бошқариш бўйича жахон тажрибасида фаол тарзда қуйидаги дастурлаштирилган усуллардан кенг фойдаланиб келинади:

МРП (Materials Requirement Planning) усулининг асосий мақсади кам миқдорда товар моддий бойликларини сақлаш, маҳсулотларни етказиб бериш, сотиб олиш операциялари ва ишлаб чиқариш жараёнларини режалаштиришдир. МРП усули тайёр маҳсулотларни қайси муддатда ва қанча миқдорда харид қилиш мумкинлигини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, ушбу ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган материаллар ҳажмини ва керак бўладиган вақтни аниқлаш имконини беради.



Канбан бу ҳар бир ишлаб чиқариш жараёнлари ўртасидаги товар моддий бойликларининг захираси ва оқимини оператив режалаштириш тизимидир. Канбан тизимининг асосий ғояси шундан иборатки бунда, хом ашё ва материаллар фақатгина деталлар тайёрланаётган пайтда харид қилинади, деталлар ҳам олдиндан эмас тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилаётган пайтда тайёрланади, тайёр маҳсулот эса фақатгина истеъмолчига етказилиши керак бўлган даврдагина ишлаб чиқарилади ва етказилади. Канбан тизимининг асосий қоидаси ишлаб чиқариш босқичлари давомида нуқсонсиз детал ва хомашёлар билан таъминлашдир. [5]

"Just in time" услуги бу мол етказиб берувчининг хом ашё ва материалларига бўлган талабни бевосита ишлаб чиқариш жадвали билан боғловчи товар моддий захираларини бошқарув усули. [5] Компаниялар товар моддий бойликларини фақатгина ишлаб чиқариш жараёнига керак бўлган вақт олиши орқали ушбу усулдан самарадорликни ошириш ва нуқсонларни камайитиришда фойдаланади ҳамда бу орқали товар моддий бойликлари захирасига қилинадиган харажатларни камайтиради. Ушбу усул ишлаб чиқарувчилардан товар моддий бойликларига бўлган талабни аниқ прогнозлаш талаб қилинади.

"Just in time" усули "Just in case" (ҳар эҳтимолга қарши) усулидан тубдан фарқ қилади. "Just in case" усулида ишлаб чиқарувчилар максимал даражада бозор талабини қондиришга етарли даражада маҳсулотга эга бўлиш учун ортиқча даражада товар моддий бойликларининг захирасини ўз омборхоналарида сақлайди.

"Just in time" усулининг қуйидаги бир қанча афзалликлари мавжуд:

- Ишлаб чиқариш жараёни ва бошқаруви қисқа бўлиб, бир маҳсулотдан бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш қийинчилик туғдирмайди.

- Омборхона харажатларини оптималлаштириш ҳисобидан харажатлар минималлашади (омборхона ишчилари, омборхона ускуналари, омборхонанинг ижара ва бошқа харажатларини қисқартириш ҳисобига)

- Буюртмани ижро этишда қисқа вақтнинг сарфланиши

- Юқори сифатли маҳсулотлар билан таъминланганлик (мол етказиб берувчилар ишлаб чиқарувчилар билан яқиндан боғлиқ бўлганлиги сабабли)

- Пул маблағлари оқимининг ривожланиши, яхшиланиши

- Ишлатилмайдиган товар моддий бойликларнинг бўлмаслиги

"OPT" (Optimized Production Technologies) - ишлаб чиқариш технологияларини оптималлаштириш усули бу ишлаб чиқаришни максималлаштириш ва мос равишда фойдани ошириши тамойили асосида режалаштириш тизимидир. Бу усул ишлаб чиқариш жараёнининг камчиликларини, мос келмайдиган томонларини аниқлайди ва бартараф этади. OPT нинг мақсади меҳнат унумдорлигини ошириш, товар моддий бойликлари захирасини минималлаштириш, эксплуатацион харажатларни камайитириш ҳамда узлуксиз иш жараёнини таъминлаш.

Lean manufacturing-эҳтиёткорлик билан ишлаб чиқариш усули бу корxonани ишлаб чиқариш жараёнидаги барча турдаги камчиликларини доимий равишда бартараф этишга қаратилган бошқарув тамойилидир. [6]

Lean manufacturing усули ишлаб чиқариш тизимининг барча соҳасини оптималлаштиришга қаратилган.

Бу тизимда асосан қуйидаги муаммоларни олдини олиш назарда тутилади:

- Ортиқча ишлаб чиқариш - маҳсулотларни катта ҳажмда ишлаб чиқариш, деталларни кейинги ишлаб чиқариш жараёни учун (керагидан) муддатидан олдин ёки ишлаб чиқариш.

- Тўхтаб қолишлар - товар моддий бойликларини, маълумотларни етиб келишини кутиб қолиш сабабли, ишлаб чиқаришдаги тўхтаб қолишлар.

- Етказиб беришдаги, транспортировкадаги йўқотишлар, муаммолар.



- Қўшимча ишлов бериш - қўшимча қадрият, қиймат яратмайдиган ортиқча ишлов бериш муаммолари
- Эҳтиёт қисмлар захирасининг ортиқчалилиги - барча турдаги захиралар яъни хом ашё, ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотнинг ортиқча миқдорда бўлиши
- Дефект маҳсулотлар - текшириш ва ликвидация, алмаштиришни ва таъмир қилишни талаб қилувчи, сифати тушган маҳсулотлар

Юқоридаги айланма капиталларни бошқариш бўйича барча усуллар махсус дастурий таъминотлар асосида амалга ошириб келинмоқда. Ушбу дастурий таъминотлар асосида корхона айланма капиталларининг ҳажмини оптималлаштирган ҳолда ўз рентабеллигини максималлаштириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек корхоналарда иқтисодиёт жадал ривожланаётган бир пайтда ва талаб ҳажми ўзгарувчанлигига мос равишда бир маҳсулотдан бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишда қийинчилик туғдирмайди, ҳамда инвесторлар учун муҳим омиллардан бири бўлган корхонанинг шаффофлигини таъминлаб беради.

#### Адабиётлар рўйхати

1.2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги

ПФ-4947-сонли Фармони.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси 2020 йил

3.James S. Sagner "Essential of working capital management" (2010 й.).

4.Robert Alan Hill "Working capital and strategic debtor management" 2013 йил

5.Jorge Luis Garcia-Alcaraz "Just-in-time Elements and Benefits". Springer IPS 2016 йил

6.William M Feld "Lean Manufacturing Tools, Techniques, and How to Use Them" APICS Series on Resource Management 2001 йил



## IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASHDA INNOVATSION YONDASHUVNING O'RNI

**Djurayeva Dilnoza Davronovna**  
**Buxoro Davlat Universiteti tayanch doktaranti**  
**Telefon: + 998(91) 402 03 30**  
**ddjuraeva@mail.ru**

*Annotatsiya: Ushbu tezisda iqtisodiyotni modernizatsiyalashda innovatsion yondashuvning roli, ushbu yo'nalishda respublikamizda iqtisodiyotni tubdan isloh qilish jarayonida xizmatlar sohasini shakllantirish, rivojlantirish va takror barpo etish, hamda innovatsiyalarni ushbu sohada qo'llash yuzasidan ma'lumotlar berilgan. Bu esa albatta, ilmiy -texnik rivojlanishning hal qiluvchi sohalarning samarali va dinamik rivojlanishini tezlashtiradi*

*Kalit so'zlar: Innovatsiya, modernizatsiyalash, mehmonxona, xizmat ko'rsatish.*

Mamlakatimizda iqtisodiyotni modernizatsiyalash, innovatsiyalar va fan sig'imi yuqori bo'lgan tarmoqlarni rivojlantirish asosida, uning barqaror o'sishini ta'minlash muhim ahamiyatga egadir. Shu sabab respublikamizda iqtisodiyotni tubdan isloh qilish jarayonida xizmatlar sohasini shakllantirish, rivojlantirish va takror barpo etish, hamda innovatsiyalarni ushbu sohada qo'llash, undan oqilona foydalanish hozirgi zamonning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

Innovatsiya - bu yangi texnologiyalarda mujassamlashgan yangi bilimlar, nau- xau, ishlab chiqarish omillarining yangi kombinatsiyalarini qo'llash bilan bog'liq, bu shuningdek yuqori bozor salohiyatiga ega bo'lgan yangi vazifalarni bajara oladigan yangi mahsulotlar yaratish yoki destruktiv jarayonlarning salbiy oqibatlarini yo'qotish maqsadini o'z oldiga qo'ygan faoliyat yoki faoliyat natijasidir.

So'nggi yillarda O'zbekistonda mehmonxona biznesi juda tez suratlar bilan rivojlanmoqda. Tadbirkorlarning aksariyati mehmonxonalar ochishga qiziqmoqda va kirishmoqda. Lekin har bir sohaning nozik tomoni bo'lganidek, mehmonxona biznesining ham tashqaridan ko'rinmaydigan, bu ish bilan shug'ullanmagan, odamning e'tiboridan chetda qolishi mumkin bo'lgan nozik taraflari bor. Mehmonxonada bir qancha xatolar borligini kuzatdim, har bir mehmonxonada mehmonxonaning o'z konsepsiyasi ishlab chiqilgan bo'lishi kerak, mehmonxonaga kelgan turistlarga mehmonxonaning o'zidan to'g'ridan to'g'ri xizmat ko'rsatishni tashkil etish (yani ular uchun maxsus mashina xizmati, maishiy xizmat, ekskursiya xizmati), bo'limlar menejerlarining kech ishga olinishi, mehmonxona uskunalarining menejerlar bilan maslahatlashmasdan sotib olinishi xodimlarga sharoit yaratmaslik, yaxshi menejerlar va xodimlarni topish oson deb o'ylash, mehmonxonaning qaysi darajada bo'lishini, qanday darajadagi mijozlarga xizmat ko'rsatishi mehmonxonaga joy tanlayotganda belgilab olinishi kerak.

Yuqoridagi kamchiliklarni o'z vaqtida anglab yetib bartaraf qilmaslik quyidagi oqibatlarga olib kelishi mumkin: Mehmonxonaga keladigan mehmonlar sonining keskin kamayib ketishi, mehmonxona xodimlarining ish haqining pasayib ketishiga, oilaviy mehmonxonalarda ishlaydiganlarning aksariyati oila a'zolari bo'lishi ularning bilim ko'nikmasining yetishmasligiga, natijada esa xizmat ko'rsatish sifatining tushib ketishiga va bir xillikka olib keladi.

Yuqoridagi sifatlar esa xodimlarda boqimandalik kayfiyatining shakllanishiga, ishga bo'lgan mas'uliyat pasayishiga olib kelishi aniq.

Hozirgi kunda mehmonxonalarini ochish shunchaki biznesga aylanib qolyapti, bu esa mehmonxonalar nufuzining keskin tushib ketishiga, turistlar oqimining kamayishi va